

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

**“Банк-молия хизматлари” факультети**

**“Молия ва сұғурта хизматлари” кафедраси**

**“Химояга тавсия этилди”**

Кафедра мудири, проф.

Ж.Р.Зайналов  
Баённома № 2018 йил \_\_ июн

**5230600 – “Молия” таълим йўналиши**

**МК-414 гурӯҳ талабаси**

**Алтибаев Худайберди Қувондиқовичнинг**

**«Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини баҳолаш**

**орқали уларнинг етарлилигини таъминлаш»**

**(“КАПИТАЛБАНК” Самарқанд филиали маълумотлари  
бўйича)» мавзусидаги**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар: асс. Рўзибаева. Н.Х.**

**Илмий маслаҳатчи: проф. Қодиров А.Қ.  
– АТБ «Микрокредитбанк» ўқув маркази  
директори**

**САМАРҚАНД-2018**

# МУНДАРИЖА

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>I-БОБ. Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишнинг молиявий барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти</b>	
1.1. Банк капиталини ва капиталлашувини уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти.....	7
1.2. Замонавий ривожланиш босқичида капиталлаштириш даражасини мустаҳкамлашни таъминлаш.....	11
1.3. Тижорат банклари капиталини бошқариш хусусиятлари.....	13
<b>II-БОБ. Тижорат банклари капиталлашуви даражасини ошириш аҳамияти</b>	
2.1. Тижорат банкларининг капиталлашуви даражасини ошириш ва уни гурухлаш аҳамияти.....	16
2.2. Тижорат банклари капиталини ва капиталлашувини ошириш омиллари ва уларни ҳисобини ривожлантириш заруриятлари.....	21
2.3. Тижорат банклари капиталлашувини ошириш имкониятлари.....	29
<b>III-БОБ. Замонавий шароитда тижорат банклари капиталлашиш даражасини баҳолаш орқали уларни етарлилигини кенгайтириш имкониятлари</b>	
3.1. Тижорат банклари капиталлашув даражасини белгилаш омиллари...	35
3.2. Замонавий тараққиёт босқисида тижорат банклари даромадларини ҳамда банк капиталлашуви даражасини ошишини ва етарлилигини таъминлашдаги аҳамиятини кучайтириш йўллари.....	40
3.3. Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини баҳолаш орқали уларнинг етарлилигини таъминлашдаги имкониятлари.....	43
<b>IV-БОБ. «Капиталбанк» Самарқанд филиалида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари</b>	
4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	47
4.2. «Капиталбанк» Самарқанд филиали ходимлари меҳнат ва ёнгин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари.....	48
4.3. «Капиталбанк» Самарқанд филиалида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари.....	53
4.4. «Капиталбанк» Самарқанд филиалида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммаллаштириш йўллари.....	60
<b>Хулоса.....</b>	<b>62</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>64</b>

## КИРИШ

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг чуқурлашуви ва иқтисодиётни модернизациялаш даражасининг тобора такомиллашуви банкларнинг капиталлашув даражасини доимий равишда ошириб боришни талаб этмоқда. Тижорат банклари капитали миқдорининг оширилиши уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш билан бирга, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашдаги имкониятларини оширишга ва аҳолининг банк тизимиға бўлган ишончини мустаҳкамлашга бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

Халқаро банк амалиёти тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор муносабатлари шароитида тижорат банклари капиталининг самарадорлигини ва унинг етарлилигини таъминламасдан туриб, банкларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш ва аҳолининг банк тизимиға бўлган ишончини қозониш мушкил вазифалардан бири ҳисобланади. Маълумки, банк капиталининг мавжудлиги ва капиталлашуви банк назоратини амалга оширишда ва банк фаолият кўрсатиш учун энг асосий заруриятдан биридир.

Бугунги кунда тижорат банклари бажараётган барча операциялар бевосита ёки билвосита банк капиталининг етарлилиги ва унинг сифатига боғлиқ бўлиб, ҳар қандай тижорат банкининг тўловга қобиллигини ва хатарлардан холилигини баҳолашда банк капиталининг етарлилиги асосий омил ҳисобланади. Тижорат банкларининг етарли миқдорда банк капиталига эга бўлиши, уларнинг ликвидлигини таъминлаш ва фаолияти давомида дуч келадиган хатарлардан зарап қўрмай чиқиб кетиши имкониятини беради.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тижорат банклари молиявий хизматларини ривожлантириш ва унга таъсир этувчи рискларни баҳолаш масалалари хорижлик иқтисодчилар О.Лаврушин, В.Колесников, Г.Панова, И.Мамонова, В.Усоскин, Д.МакНотон, Э.Долан, А.Симановский, Д.Ж. Синкилар<sup>1</sup>нинг илмий ишларида ўрганилган.

<sup>1</sup> Деньги, кредит, банки: учебник / коллектив авторов ; под ред. О.И. Лаврушина. – 12-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2014. – 448 с.; Банковское дело. Учебник 2-е изд. // Под ред.: Колесников В.И. – М.: Финансы и статистика, 1996; Панова Г.С. Концепция банковского маркетинга. М., 2006. - с.44.; Организация

Хозирги шароитда Тижорат банклари молиявий хизматлари ривожлантириш ва унга таъсир этувчи рискларни баҳолаш билан боғлиқ масалалар Ш.Абдуллаева, Ж.Зайналов, О.Иминов, Т.Маликов, С.Норқобилов, А.Қодиров, Т.Қоралиев<sup>2</sup>лар томонидан тадқиқ этилган.

**БМИнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши СамИСИ “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** - Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини баҳолаш орқали уларнинг етарлилигини таъминлаш

**Тадқиқот вазифалари** - БМИнинг мақсадидан келиб чиқиб, қуидаги вазифалар белгилаб олинди:

- банк капиталини, капиталлашуви, молиявий барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти тадқиқ этиш;
- замонавий ривожланиш босқичида капиталлаштириш даражасини мустаҳкамлашни таъминлаш ва амалий жиҳатларини таҳлил қилиш;
- тижорат банкларининг капиталлашуви даражасини ошириш, уни гурухлаш аҳамияти;
- тижорат банклари капиталини ва капиталлашуви ошириш омиллари ва уларни ҳисобини ривожлантириш аҳамияти;
- замонавий тараққиёт босқисида тижорат банклари даромадларини,банк капиталлашуви даражасини ошишини ва етарлилигини таъминлашдаги аҳамиятини кучайтириш йўллари;

---

деятельности центрального банка : учебник/Г.Г. Фетисов, О.И. Лаврушин, И.Д. Мамонова ; под общ. ред. Г.Г. Фетисова. - 3-е изд., стер. - М.: КНОРУС, 2008. – 432 с.; Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление операциями. – М.: Вазар-Ферро, 1994. – с. 97; Нотон М.Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. Пер. с англ. В 2-х т. – Вашингтон, 1994; Долан Э. Дж. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Пер. с англ. – Москва-Ленинград: 1991. – 446-с.; Симановский, А. Ю. Банковское регулирование: реvolution // Деньги и кредит. – 2014. – № 3. – С. 3-11.; Синки Дж.Ф., мл. Управление финансами в коммерческих банках: Пер. с англ. 4-го перераб. изд./Под ред. Р.Я.Левиты, Б.С.Пинскера. - М.: Catallaxy, 1994

<sup>2</sup> Abdullayev SH.Z. Bank risklari va kreditlash. Toshkent, 2002. - 107 b.; Zaynalov J i dr.. Управление банковскими рисками в условиях модернизации экономики.. - М.: ООО «Пресс-Принт», 2013. – 36 с.; Иминов О. Кредитный механизм современных условиях. Монография. – Т.: ТГЭУ, 2000.; Norqobilov S. Bank ishi. – Т.: 2012; Qoraliyev T.M. va boshqalar. Xo'jalik yuritishning xoirgi bosqichida kredit mexanizmi va banklar. –Toshkent, 1991. -80 b.

- тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини баҳолаш орқали уларнинг етарлилигини таъминлашдаги имкониятлари.

**Тадқиқот объекти:** Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини баҳолаш орқали уларнинг етарлилигини таъминланиши танлаб олинди.

**Тадқиқот предмети:** Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишда, унинг даражасини баҳолаш ва етарлилигини кенгайтириш имкониятлари ҳисобланади.

**Тадқиқот методлари.** БМИда қиёсий ва омилли таҳлил, кузатиш, умумлаштириш, гурухлаш, таққослаш усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқот гипотезаси.** Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш хусусидаги илмий назарий хulosалар ва амалий таклифлар келажакда ушбу соҳани ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин.

#### **Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишнинг молиявий барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти;
- тижорат банклари капиталлашуви даражасини ошириш аҳамияти;
- замонавий шароитда тижорат банклари капиталлашиш даражасини баҳолаш орқали уларни етарлилигини кенгайтириш имкониятлари.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** БМИда илгари сурилган илмий-назарий ва амалий ғоялар ҳамда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш борасидаги масалаларини ҳал этишда, хусусан тижорат банкларини комплекс яхшилаш мақсадида ишлаб чиқиладиган чора-тадбирларда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан давлат таълим стандартларига мувофиқ “Молия”, “Корхоналар молияси”, “Молиявий менежмент” ва бошқа бакалавриат таълим йўналишлари фанларини ўқитишида ҳам фойдаланса бўлади.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот ишининг натижалари ва хулосалари «Капиталбанк» Самарқанд филиали 2018 йил май ойидаги далолатнома томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** БМИнинг илмий натижалари Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия ва сугурта хизматлари” кафедраси семинарида муҳокама этилди ва ҳимояга тавсия этилди.

**БМИнинг тузилиши ва ҳажми.** БМИ кириш, 4 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг матни 64 бет бўлиб, унда 4 та жадвал, 2 та диаграмма ва 1 та чизма мавжуд.

# **І БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КАПИТАЛЛАШИШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЬМИНЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ**

## **1.1. Банк капиталини ва капиталлашувини уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти**

Жаҳоннинг нуфузли халқаро рейтинг агентликларидан бири бўлган “Фитч Рейтингс” томонидан 2016 йил декабрда эълон қилинган тадқиқотларига қўра МДХ давлатлари банк тизимларининг рейтинги Россия, Арманистон, ва Украинада сезиларли равишда секикинлашиши таъкидланган. Ўзбекистон ва Грузия давлатлари банклари молиявий ҳолатининг ўсиши кузатилган ва “Барқарор” рейтинг кўрсатгичлари 2017-2018-йилларда ҳам сақланиб қолиши прогноз қилинган.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай мамлакат иқтисодий равнақи кўп жихатдан молия институтлари фаолиятининг барқарорлигига боғлиқ. Бу борада банк тизимининг фаолияти, яни, ҳисоб-китоблар самарадорлиги, пул маблағларини, айниқса хусусий сектор ва хорижий инвесторларнинг маблағларини жалб этиш жараёнлари тижорат банклари ресурс базасини мустаҳкамлаш ва барқарорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010-йил 26-ноябрдаги “2011-2015-йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсатгичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли ҳамда б-майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2334-сонли Қарорларида мамлақатимиз молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, барқарорлигини таъминлаш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари сифатида банклар капиталининг етарлилик даражасини босқичма-босқич ошириб бориш,

банклар ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини таъминлаш ҳамда тижорат банкларининг ресурс базасини хусусий капитални жалб этиш орқали мустаҳкамлаш масалалари кўзда тутилган.

Тижотат банкларининг устав капитали ҳажмини оширишга эришиш лозим. Чунки, устав капитали молиявий барқарор имкониятларнинг манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг ҳажми пасайиши банкларнинг молиявий мустаҳкамлиги зайифлашишига сабаб бўлиши мумкин.

Тижорат банкларининг устав капитали бошқа манбаларга нисбатан юқори барқарорликка эга бўлиб, банкларнинг регулятив капитали уининг микдори камайишига йўл қўймаслиги лозим. Банкларнинг жами пассивлар таркибида мазкур капитал 2000 йил 1 январ ҳолатига кўра 4,02 фоизни, 2017 йил 1 январ ҳолатига 3,0 фоизни ташкил этган.

Келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва ахолининг банкларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашда уларнинг устав капитали ҳажмини ошириш ўзининг долзарблигини сақлаб турибди. Айнан, шундай ҳолатлар юзасидан ижобий натижаларга эришиш ва тижорат банкларининг иқтисодиётдаги таркибий ўзгарувчиларни амалга ошириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялашда кенг иштирок этишни янада ривожлантириш мақсадида 2007 йил 12 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-6070-сонли Қарори қабул қилинди.

Юқорида қайт этилган қарорга биноан, Марказий банкнинг давлат бюджетига ўтказилиши лозим бўлган фойдасининг бир қисми “Микрокредитбанк”, “Агробанканк” ва “Ипотекабанк”ларнинг молиявий барқарорлиги мустаҳкамланади. Шу билан бирга, мазкур қарорга асосан, тижорат банклари устав капиталини ошириш юзасидан бир қатор солик

имтиёзлари берилади. Хусусан, 2012 йилнинг 1 январигача даромад(фойда) солиги бўйича солиқقا тортиладиган базани тасдиқланган мақсадли дастурларга мувофиқ, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида ишлаб чиқариши модернизациялаш учун уч йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлардан олинадиган даромадлар сўммасига teng миқдорда камайтириш хуқуқининг берилиши, ўз филиалларига Товар-моддий бойликлар ва ресурсларни берилган ҳолатларда қўшилган қиймат ва даромад(фойда) солигидан озод этилиши шулар жумласидандир.

Хукуматимиз томонидан банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга, банк амалиётининг халқаро ва маҳаллий тажрибаларидан маълумки, тижорат банкларининг капиталини ошириш борасида қатор имкониятлар мавжуд. Хусусан:

➤ Марказий банк томонидан тижорат банкларига узоқ муддатли субординар кредитларни бериш орқали банклар капиталини кўпайтиришга эришиш лозим. Бу Марказий банк томонидан тижорат банклари капиталини ошириш билан бирга, республикамизда монетизация коефициентининг ошишига ва тижорат банкларининг реал секторини кредитлашга йўналтираётган маблағлари ҳажмининг ортишига олиб келади;

➤ банкларнинг қарз акцияларини муомалага чиқариш орқали уларнинг капиталлашув даражасини оширишга эришиш ҳам мумкин. Халқаро банк амалиётида тижорат банклари ўзининг узоқ муддатли ресурсларга бўлган талабини қондиришда таъминланмаган облигацияларни муомилага чиқаради. Ўзбекистон тижорат банклари капитали таркибида муддати жиҳатдан «узун» маблағларнинг мавжуд эмаслигини инобатга оладиган бўлсак, қарз акцияларининг муомалага чиқарилиши, банкларнинг капиталлашув даражасини оширишда муҳим молиявий манба бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг тобора чукурлашуви ва иқтисодиётнинг модернизациялашуви шароитида тижорат банкларининг капиталини янада оширишга эришиш миллий иқтисодиётнинг ривожланишига ва аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилади. Шундай экан тижорат банклари ўз устав капиталини ошириш билан бирга, уни ҳисоблаб чиқариш, самарали жойлаштириш орқали катта даромад олади. Эришмоғи лозим бўлган ушбу даромад ўсиши капиталлашув даражасини оширишга, мукаммаллашга имкон яратиб беради.

Маълумки, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини белгиловчи асосий кўрсатгичлардан бири, улар капиталининг етарлилиги ва уни барқарор манбалар ҳисобидан шакиллантирганлигига боғлик. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари капиталининг етарлилиги бўйича талабни белгилайди ва унинг таъминланиши устида назорат олиб боради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Мустақил Давлатлар Хамдўстлигига аъзо мамлакатлар банклари шунингдек мамлакатимиз банклари жами ва асосий капиталининг етарлилиги бўйича ўрнатилган талаблар йирик тижорат банкларида юксак даражада бажарилмоқда.

Тахлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, йирик тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйилган талабларнинг юқори даражада бажарилишига уларнинг капитали таркибида маҳсус захираларнинг улиши сезиларли даражада ошиб бориши сабабдир.

Айрим тижорат банкларининг жами капитали таркибида маҳсус захира салмоғининг ўсиши девалвация захираси хисобига юз бермоқда.

Хўш, девалвация захираси жами капитал таркибидаги қандай манба? Унинг тижорат банклари жами капитали таркибида ўсиб бориш тенденсиясига эга эканлигининг асосий сабаби нимада? Мазкур захиранинг банк капиталининг мустаҳкамлигига таъсири қандай? Ушбу ҳолатни банкларга иқтисодий зарар келтирмасдан бартараф этиш мумкинми?

Фикримизча, мазкур масалаларнинг бу тарзда қўйилиши жуда долзарб ҳисобланиб, уларнинг оқилона ечимини топпиш банклар капиталининг мустаҳкамлигига бевосита таъсир кўрсатади.

## **1.2. Замонавий ривожланиш босқичида капиталлаштириш даражасини мустаҳкамлашни таъминлаш**

Маълумки Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган бирқатор иирик тижорат банкларининг капитали таркибида хорижий валюталарда киритилган маблағлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йилларида, тижорат банклари капиталида хориж валютасининг иштироки билан боғлиқ бўлган бир қатор муоммолар мавжуд эди. Уларнинг асосийлари сифатида, банк капиталини шакиллантиришга йўналтирилган хорижий валюталарни миллий валюта курсининг ўзгариши натижасида вужудга келадиган қайта баҳолаш муоммосини таъкидлаш зарур. Чунки, миллий валюта курсининг ўзгариши натижасида банк капитали таркибидаги хорижий валюталар қайта баҳоланиб, капиталнинг миқдори сезиларли равишда ошиб бориш тенденсиясига эга эди. Ушбу ҳолат, бир жиҳатдан тижорат банкларига Марказий банк томонидан капитали етарлилигига қўйилган талабларни бажаришда қулайлик туғдирса, иккинчи томондан реал тарзда мавжуд бўлмаган, нисбатан нобарқарор молиявий манбалар ҳисобидан улар капитали миқдорининг ошишига олиб келарди.

Халқаро Базел андозалари жорий этилгандан сўнг, банкларнинг хорижий валютада шакиллантириладиган устав капитали билан боғлиқ мунозарали баҳсларга чек қўйилди. Унга мувофиқ, тижорат банкларининг хорижий валютада шакиллантирилган устав капитали банкнинг балансида тадрижий қиймат бўйича ҳисобга олинадиган бўлди. Бундан буён, хорижий валюта алмашув курсининг ўзгаришидан қатъи назар, унинг банк балансидаги миллий валютада акс этган қиймати ўзгармасдан қолади. Аммо,

банк ушбу маблағларни эркин ишлатиш хуқуқидан фойдаланиб, актив операцияларга ресурс сифатида йўналтирилганда қайта баҳоланади. Натижада, банкнинг активлари ва пассивлари ўртасида қайта баҳолаш миқдорида фарқ юзага келади. Мазкур фарқ миқдори тижорат банки баланси пассивидаги девалвация захираси ҳисобварағига ўтказилади.

Муоммонинг моҳияти шундаки, тижорат банклари устав капиталини шакиллантиришга йўналтирилган хорижий валюталардан кредит ресурси сифатида фойдаланиш хуқуқидан албатта фойдаланади, натижада хорижий валютанинг тадрижий курс бўйича олинган қиймати миллий валюта курсининг ўзгариши натижасида доимий ўсиб бориш тенденсиясига эга бўлади. Шу муносабат билан, фикримизча тижорат банклари асосий капитали таркибидаги девалвация захирасини уларнинг қўшимча капитали таркибига ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг натижасида, биринчидан, тижорат банклари асосий капиталининг барқарорлиги таъминланади; иккинчидан, асосий капиталнинг нобарқарор маблағлар ҳисобидан ўсиб бориш тенденсиясига чек қўйилади; учинчидан банклар қўшимча капиталининг базаси янада мустаҳкамланади.

Мазкур жараённи амалга ошириш, капитал таркибида хорижий валюта иштирок этган тижорат банклари учун жуда оғир кечиши мумкин. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, йирик тижорат банклари девалвация захираси салмоғининг ошиб бориши банк капиталининг етарлилигига қўйилган талаблар юксак даражада бажарилишига омил бўлмоқда. Шу боис ушбу ҳолатни иқтисодий қийинчиликларсиз ва тижорат банклари асосий капитали етарлилигини кескин даражада тушиб кетмаслигига эришиш орқали амалга ошириш лозим.

Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйилган талабларнинг бу тарзда бажарилишини ижобий ҳолат сифатида ҳам, салбий ҳолат сифатида ҳам баҳолаш мумкин, албатта. Ижобий ҳолат сифатида баҳоланишининг боиси, тижорат банклари капиталининг етарлилигига ўрнатилган

талабларнинг юқори даражада бажарилиши уларнинг иқтисодий жиҳатдан бақувватлигини, актив операцияларни бажаришга имкониятлари мавжудлигини ва аҳолининг банк тизимиға бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилишини таъкидлаш лозим.

Лекин, масаланинг иккинчи жиҳатини қарайдиган бўлсак, тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйилган талабларнинг юқори даражада бажарилишига эришиш, биринчидан, уларнинг хатарга тортилган активлари салмоғининг нисбатан пастлиги, иккинчидан, асосий капиталнинг нисбатан нобарқарор манбалар ҳисобидан ўсиб бориши ҳисобига бажарилаётгонлиги билан изоҳлаш мумкин. Демак ушбу ҳолат тижорат банклари капиталининг етарлилигини юқори даражада бажарилишини салбий натижа сифатида баҳолашга асос бўлади. Чунки, тижорат банклари актив операциялари салмоғининг пасайиши банклар даромадини кўпайтиришга салбий таъсир кўрсатади.

### **1.3. Тижорат банклари капиталини бошқариш хусусиятлари**

Ўзбекистон тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган асосий талаблар “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Марказий банкнинг 420-сонли Низомида белгиланган. Низом бўйича тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйилган талаблар халқаро Базел қўмитасининг андозаларида кўзда тутилган талабларга мос келади<sup>3</sup>. Базел қўмитасининг андозалари, унга аъзо бўлган ўн иккита мамлакат<sup>4</sup> марказий банкларнинг вакиллари иштироқида 1993-йида ишлаб чиқилган ва 1998-йилда амалиётга жорий этилган<sup>5</sup>.

<sup>3</sup> Жўраев. У Халкаро банк назоратини такомиллаштириш Базел қўмитасининг рўли. //Бозор. Пул ва кредит. 10-сон, 2003, 5-бет.

<sup>4</sup> Бельгия, Канада, Франция, Германия, Италия, Япония, Люксембург, Голландия, Щвеция, Буюк Британия ва АҚШ.

<sup>5</sup> Банковское дело. Под ред. Профессора О.И.Лаврушина.- М.: «Ф и С», 2001. –с. 77.

Тижорат банклари капитали биринчи даражали капитал ва иккинчи даражали капиталдан ташкил топади. Иқтисодий адабиётларда у асосий капитал ва қўшимча капитал деб ҳам юритилади.

Тижорат банклари капиталининг асосий ва қўшимча капиталга ажратилиши, умумий капитал таркибидаги манбаларни шакиллантиришда ҳамда уни бошқаришда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг асосий капитали банкнинг тўлиқ тўланган ва муомалага чиқарилган оддий акциялари, нокумулятив, муддатсиз имтиёзли акциялари, эмиссион даромад, тақсимланмаган фойда, консолидациялашган шўба корхоналарга йўналтирилган маблағлар ва умумий захирадан иборат.

Республикамиз тижорат банклари капитали таркибида эмиссион даромадлар ва консолидациялашган шўба корхоналарга йўналтирилган маблағларни шакиллантириш ва шу куннинг асосий вазифаларидан хисобланади.

Тижорат банклари асосий капитали таркибида эмиссион даромадларнинг шакилланмаганлиги, банклар оддий ва имтиёзли акцияларнинг мамлакат фонд биржаларидағи олди-сотдиси билан боғлиқдир. Бизга маълумки, эмиссион даромад тижорат банкининг оддий ва имтиёзли акцияларининг молия бозорлари орқали ҳақиқатда сотилган баҳоси ва номинал қиймати ўртасидаги ижобий фарқидан вужудга келади. Ҳозирда мазкур бозорнинг тўлақонли фаолият кўрсатмаётганлиги ва бошқа иқтисодий омилларнинг таъсири натижасида тижорат банклари учун эмиссион даромадни вужудга келтириш имконияти юзага келмаяпти. Қачонки, қимматли қоғозларнинг иккиласми бозори тўлиқ ишга тушса, фонд биржаси том маънода фаолият кўрсатса, қачонки, акциялар қиймати мунтазам эълон қилиб борилса ва аҳолида акцияларни сотиб олишга иштиёқ туғилса акцияларнинг ўзи шунчаки оддий қоғоз бўлиб қолмасдан, ҳақиқий қийматли

қоғозга айланиб, ўз эгалари учун муҳим даромад манбаи бўлсагина бунга эришиш мумкин<sup>6</sup>.

Тижорат банклари капитали таркибида консолидациялашган шўба корхоналарига қилинган қўйилмаларнинг мавжуд эмаслигини, тижорат банклари амалиётида ҳозирча алоҳида лизинг, траст, факторинг, форфейтинг компаниялари каби кредит муассасаларини ташкил этиш тажрибаси қўлланилмаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ҳолбуки, халқаро банк амалиётида тижорат банклари қошида ташкил этилган бундай муассасалар фаолиятининг самарали эканлиги ўз исботини топган.

Банклар қошида ташкил этилган шўба корхоналари мустақил балансга эга бўлмайди, улар белгиланган харажатлар сметаси аосида фаолият кўрсатади ва уларнинг фойдаси банкнинг фойдасига қўшилади. Энг муҳими, улар фаолиятининг самарқадорлигини аниқ кўрсатгичларда ифодалаш мумкин. Бу эса, шўба корхоналар фаолиятининг самардорлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиши имкониятини беради.

---

<sup>6</sup> Биринчи Президент И.А.Каримовнинг 2003-йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2004-йилда иктиносидий ислоҳатларни чуқурлаштиришнинг асосий ёналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2004-йил 10-феврал.

## **П БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛЛАШУВИ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ АХАМИЯТИ**

### **2.1. Тижорат банкларининг капиталлашуви даражасини ошириш ва уни гурухлаш аҳамияти**

Банкларнинг капиталлашуш даражасини ошириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2016 йил якунлари бўйича банкларнинг жами капитали 2015 йилга нисбатан салкам 20 фоизга ошиб, 9,4 трлн. сўмга етди.

Базел талабларига кўра 2016 йил 1 январдан белгиланган банк регулятив капиталининг етарлилик даражаси (К-1)ни амалдаги 11,5 фоиздан 2019 йил 1 январигача 14,5 фоизгacha ошириш кўзда тутилган.

2015 йилнинг 1 сентябрдан 1 даражали капитал регулятив капитал таркибида 75 фоиздан кам бўлмаслиги, 2019 йил 1 январдан 11 фоиз миқдордан кам бўлмаслиги назарда тутилган. Биринчи даражали асосий капиталнинг регулятив капиталдаги улуши 2015-йил 1-сентабрдан 6 фоиз ва 2019 йил 1 январдан 9,5 фоизни ташкил этиши белгиланган.

Тижорат банкларининг капиталлашушув даражасини ошириш ва ресурс базасини мустахкамлаш учун:

- биринчидан, банк тизими ресурс базасининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш (2017-2021 йилларда камида 2 баробарга) ҳамда депозитлар миқдорини ошириш (2017-2021 йилларда 2,1 баробарга) ошириш ва барқарорлигини таъминлаш;
- иккинчидан, тижорат банклари томонидан хусусий капитал ва хорижий инвестицияларни жалб этишни янада кучайтириш (2017-2021 йилларда инвестицион кредитлар ҳажмини 1,7 баробардан юқори ошириш);

- учунчидан, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясини устувор йўналишлари ижросини таъминлашда банк тизимининг рўли ва етакчилик мовқейини янада мустаҳкамлаш лозим.

Маълумки, тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишнинг асосий йўлларидан бири, банк акцияларини юридик ва жисмоний шахсларга сотишдан тушадиган маблағлардир. Республикаиз тижорат банклари устав капиталини кўпайтиришда ушбу манбадан фаол тарзда фойдаланмоқда. Натижада, йирик капитал маблағларга эга бўлган тижорат банкларининг сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Буни қуидаги (2.1-жадвал) маълумотларидан кўришимиз мумкин

### 2.1-Жадвал Ўзбекистон тижорат банклари регулятив капиталининг ҳажми бўйича гурухланиши ва динамикаси<sup>7</sup>.

Млрд сўм	01.01.2015		01.01.2016		01.01.2017	
	Сони	Улуши %	Сони	Улуши %	Сони	Улуши %
2,5 гача	11	34	7	25	4	15
2,5 дан 10 гача	11	34	12	43	11	41
10 дан 30 гача	4	13	4	14	6	22
30 дан 60 гача	5	16	3	11	2	7
60 ва ундан юқори	1	3	2	7	4	15
<b>Жами</b>	<b>32</b>	<b>100</b>	<b>28</b>	<b>100</b>	<b>27</b>	<b>100</b>

Қуида келтирилган жадвал маълумотлардан кўриниб турубдики, регулятив капитал ҳажми 2,5 млрд. сўмгacha бўлган тижорат банкларининг улиши ортиб бориш тенденциясига эга бўлган. Шунингдек, умумий капитали 60 млрд. сўм ва ундан юқори бўлган тижорат банкларининг салмоғи 2015 йил 1-январга 3 фоизни ташкил этгани ҳолда, 2017 йил 1 январгача 15 фоизга етган ёки ўтган икки йил давомида 12 фоизга кўпайган.

Умуман олганда, таҳлил этилган 2015-2017 йиллар оралиғидаги давр мобайнида республикаиз тижорат банклари регулятив капиталининг кўпайиши эвазига йирик капиталга эга бўлган банклар сонининг кўпайиб

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ма’лумотлари асосида тузилди.

бориши ижобий ҳолат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ошириш, аҳолининг банк тизимиға бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш ва иқтисодиётнинг реал сркторини кредитлаш имкониятларини кенгайтириш долзарб масалалардан эканлигини инобатга олиб, ҳукумат томонидан банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Айтиш жойизки Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2006 йил 26 декабрдаги «Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини оширишни рафбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони банклар капиталини оширишга ҳуқуқий асос яратди. Мазкур фармонга кўра, 2007 йилнинг 1 январидан 2010 йилнинг 1 январигача юридик шахсларнинг тижорат банклари акцияларидан дивиденд сифатида олинган даромадларнинг солиқ солишдан озод этилиши, шунингдек уларнинг фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтирилган маблағлар сўммасига teng миқдорда камайтирилиши белгилаб қўйилди.

Бу фармонинг қабул қилининши:

- **биринчидан**, тижорат банкларига устав капиталини қўпайтириш учун муомалага чиқарган акцияларни сотиш орқали капитал миқдорини қўпайтириш имкониятини берса;
- **иккинчидан**, юридик шахслар олган дивидентлари ҳисобидан солиқларни тўламаслиги ва банк акцияларини сотиб олишга йўналтирилган маблағлари сўммасини солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташлаши натижасида икки томонлама иқтисодий манфаатдорликка эришади.


Тижорат банклари капиталининг шакилланиш амалиёти ва манбалари юзасидан амалга оширилган таҳлиллар натижасида, уларнинг регулятив капитали таркибида устав капиталининг улуши нисбатан пастлиги билан бирга, унинг миқдори сезиларли равишда тебраниб турганлиги маълум

бўлди. Масалан, тижорат банкларининг регулятив капитали таркибида устав капиталининг улиши 2011 йилда 18,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 12,4 фоиз, 2017 йилда эса 17,8 фоиздан иборат бўлган.

Иқтисодиётнинг жадаллашуви шароитида капиталларни капиталлашуvigа алоҳида эътибор қаратилмоқда. Капиталларни капиталлашуvigа энг аввало карпаратив тузулмасини ташкил қиласди. Тижорат банклари ҳам айнан шундай карпаратив тузулма бўлиб ҳисобланади. Банк капитали унинг актив операциялари ривожланишига боғлиқ бўлган ҳолда унинг ошиши кузатилади. Капитал банк фаолиятида капиталлашув бир неча манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Банклар капиталини капиталлашуvigа банк даромадларининг таъсири катта бўлади, бу эса ўз навбатида банк капиталининг таркибини ўрганишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 2 ноябрда тасдиқланган 420-сонли «Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйилган талаблар тўғрисида»ги Низом муҳим рўл ўйнамоқда, унга мувофиқ банк капиталининг таркиби қўйидагилардан иборат.

## 2.1-чизма



Ушбу 2.1.- чизмага мувофиқ банкнинг асосий ва қўшимча капиталлари мулкий ўлчам таркибини тасвирлаш муҳимдир.

Банкнинг асосий таркибига қўйидагилар киради:

- а) тўлиқ тўланган ва муомалага чиқарилган оддий акциялар;
- б) нокумулятив муддатсиз имтиёзли акциялар. Бу акциялар:
  - муайян сотиб олиш шартлари ва санасига эга эмас;
  - эгасининг ҳохишига кўра сотиб олининши мумкин эмас;
  - банк акциялари умумий йиғилиши қарорига мувофиқ уларга доир двидентлар тўланмаслиги мумкин;
  - қўшилган капитал (капиталнинг ортиқча қисми) – оддий ва имтиёзли акциялар бозор нархининг уларнинг номинал қийматидан ошиб кетиши;
  - тақсимланмаган фойда;
  - капитал захиралар;
  - аввалги йилларнинг тақсимланмаган фойдаси;
  - жорий йил заарлари.
- в) озчилик акция эгаларининг бирлашган корхоналар акциядорлик ҳисобваракларидаи улуши. Бу улуш шўба корхоналари банк молиявий ҳисботларида умумлаштирилганда ва банк улуши бундай корхоналар капиталининг 100 фоиздан кам қисмини ташкил қилганда вужудга келади;
- г) банк устав капиталининг валюта қисмига teng бўлган валюта активларининг қайта баҳоланиш ҳисобига ташкил этилган девалвация захирасидан иборат.

Қўшимча капитал эса:

- а) банкнинг жорий йилдаги соф фойдаси;
- б) рискларни ҳисобга олган ҳолда активлар сўммасининг 1,25 фоизи ва ҳисоб-китоблардан сўнг 1-даражали банк регулятив капиталининг 100 фоиздан ошмаган микдоридаги умумий захираси;
- в) ҳисоб-китоблардан сўнг 1-даражали регулятив капиталнинг 100 фоиздан ошмаган, 1-даражали капитал таркибига киритилмаган аралаш турдаги мажбуриятлар, жумладдан имтиёзли акциялар, агар қўйидаги шартларга жавоб берса, 2 даражали капиталга киритилиши мумкин:

- тўлиқ тўланган бўлиши керак;
  - гаров билан таъминланмаган;
  - банк тугатилганда уларга доир талаблар банк депозитлари талаблари қондирилгандан сўнг қондирилиш;
  - акция эгасининг ташаббуси билан ва олдиндан олинган Маркази банк рухсатисиз тўланиши мумкин эмас;
  - банкнинг ҳар қандай заарларини қоплаш ва банкни тўловга қобилятсиз деб эълон қилиш хуқуқини бермаслиги;
  - Агар банк охирги уч чорак мобайнида фойда олмаган бўлса, эмитент хоҳишига кўра ёки оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дивиденлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишда ушбу мажбуриятларга доир дивиденларни тўлаш муддати кечиктирилиши мумкин;
- г) субординар қарз, бу банкнинг қарз мажбуриятлари шакли бўлиб, банк капиталини аниқлаш мақсадидда ҳисоб-китоблардан сўнг 1-даражали капиталнинг 50 фоизидан ошмайди ва тўлаш муддати етиб келгунга қадар охирги 5 йил давомида йилига 20 фоизга камайиб боради. 2-даражали капитал таркибиغا кирувчи субординар қарз қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:
- гаров таъминотига эга бўлмаслиги;
  - банк тугатилаётганда ушбу мажбуриятлар бўйича талаблар депозитлар талаблари қондирилгандан сўнг амалга оширишлари;
  - бошлангич тўлов муддати 5 йилдан ортиқ бўлиши;
  - банкнинг устав капиталидаги валюта қисмига teng бўлган валюта активларини қайта баҳолаш ҳисобига ташкил этилган девалвация учун захиралар.
- 2.2. Тижорат банклари капиталини ва капиталлашувини ошириш омиллари ва уларни ҳисобини ривожлантириш аҳамияти.**

Тижорат банкларининг қўшимча капитали банкнинг жорий йилдаги соғ фойдаси, кредит хатарларига қарши қилинган захира ажратмаларнинг банк активлари хатарга тортилган сўмманинг 1,25 фоидан ошиб кетмайдиган миқдори, аралаш турдаги мажбуриятлар ва субординациялашган қарз мажбуриятларидан иборат бўлади.

Республикамиз тижорат банклари капитали таркибида субординациялашган қарз мажбуриятларини жорий қилиш амалиётини шакиллантириш асосий вазифалардан бири бўлиб туриди. Тижорат банклари капитали таркибида субординациялашган қарз мажбуриятлари шакиллантирилиши уларнинг ўрта ва узок муддатли кредиткар бозорини янада ривожлантиришига муҳим туртки бўлади. Чунки, субординацилашган қарз мажбуриятлари тижорат банклари учун ўрта ва узок муддатли ресурсларни жалб қилишнинг қулай ва кам ҳаржатли воситаси ҳисобланади. Айни вақтда, ўрта ва узок муддатли кредитлаш ҳисобидан молиялаштириладиган юқори рентабелли инвестиция лойиҳалари мавжуд бўлиб улар банкларни ўрта ва узок муддатли ресурслар топишга мажбур қилинади. Субординациялашган қарз мажбуриятлардан ана шундай ресурсларни жалб қилиш воситаси сифатида фойдаланилади.

Базел қўмитаси бозор иқтисодиёти шароитида кўзда тутилмаган хатарларни қоплаш мақсадида, 1997 йилдан бошлаб, З-даражали капитални амалиётга жорий қилди. Унга кўра, З-даражали капитал қисқа муддатли (икки йилдан ортиқ бўлмаслиги лозим) субординар қарзлардан иборат бўлиб, биринчи даражали капиталнинг 250 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.<sup>8</sup>

Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботини кенг миқиёсда ўрганишда иқтисодий таҳлил усувларидан фойдаланилди. Кўпинча иқтисодий таҳлил деганда, кўрсатгичларни алоқаси ўзаро боғлиқлигини ўрганиш йўли билан ҳисоб ва бошқа иқтисодий ахборатга баҳо бериш тушинилади. Молиявий ҳисобот таҳлилини мақсади бўлиб, молиявий

---

<sup>8</sup> Грязнова А.Г. Финансово-кредитный энциклопедический словарь. –М.: «Ф и С», 2002, с.386.

хўжалик фаолиятига баҳо бериш тушинилади. Мижознинг молиявий хўжалик фаолиятини келажагини баҳолаш, одатда келажакда банкда юзага келиши мумкин бўлган молиявий қийинчиликларни аниқлаш имкониятини беради. Масалан, агар ўз капиталининг узоқ муддатли қарзга нисбатан коеффициенти одатдагидан юқори бўлиб, фойдани активларга нисбатан коеффициенти ўртадан паст бўлса, у ҳолда банкни молиявий фаолиятидан турғинлик йўқлигини таваккали юқори бўлади. Ҳисботни хатолари бўлиши мумкин бўлган моддалари банкнинг олдиндан ҳисобланган кўрсатгичлари билан олдинги йилларни маълумотларни таққослаш орқали аниқланади. Нотабий фарқларни вужудга келишини бир сабаби бўлиб, онгли равишда ҳисоб ва ҳисботда хатоларга йўл қўйиш ҳисобланади. Чет мамлакатларда таҳлилнинг қўлланиладиган усул ва услубларини айримларини кўриб чиқамиз. Ташқи ҳисботни ўқиш усули. Бу усул ташқи ҳисбот асосида банкларни фойдаси, маблағлари ва уларни манбаларини аниқлаш учун фойдаланилади. Ҳисботдаги нотабий кўрсаткичларга, ахборотларга эътибор берилади. Тармоқ таққослаш таҳлили усули. Тармоқ бўйича кўрсаткичларни таққослаб ўртacha кўрсаткичларни аниқлаш учун фойдаланилади. Бу усулни ижобий томони унинг ёрдамида банк бизнесини манбасини аниқлаб, молиявий ҳолатни турғунлигини, тўлов қобиляти ва кредит қобилятини баҳолайди. Банкни ҳисоб ва ҳисбот кўрсаткичларини бир неча муддат бўйича таққослаш усули. Бу усул ёрдамида оралиқ ва якуний кўрсаткичларни нисбати аниқланиб ўрганилади. Режа ва хақиқий кўрсаткичларни таққослаш усули. Бу усул ёрдамида белгиланган режани бажарилиши, хақиқий кўрсаткичларни аниқлиги аниқланади. Таҳлилни коеффициент усули. Бухгалтерия ҳисботи кўрсаткичлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилининг мазмуни ва асосий процедурлари бошқариш қарорларини қабул қилиш, фойда динамикасини ва унинг ўзгаришини келажагини белгилаш мумкин: банкдаги ресурсларни баҳолаш ва уларни ўзгариши, ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлиги аниқланади.

Бухгалтерия балансини таҳлил этиш турли даражадаги деталлаштириш орқали амалга ошириш мумкин. Экспресс-таҳлил доирасида асосининг кам микдорини кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоби, назорати ва динамикаси таҳлили ташкил қиласди. Чукирлаштирилган молиявий таҳлил мумкинроқ бўлиб, унда кўп кўрсаткичларни динамикаси ўзаро боғлиқ бўлган аналитик жадвалларни тузиш орқали амалга оширилади.

Амалиётда таҳлилнинг қуйидаги аналитик усууллардан фойдаланилади:

- ўзаро боғлиқ аналитик жадваллар тизимини тузиш;
- балансни айrim моддаларини деталлаштирилган таҳлили омиллар.

Ўзаро боғлиқ аналитик жадваллар тизимини тузиш ўз ичига қуйидагиларни олади:

- молиявий режа бажарилишини баҳолаш;
- корхона ихтиёрида бўлган хўжалик маблағларини ҳисоб-китоби; хўжалик маблағларини, уларнинг манбаларини, айланма ўз маблағларини жойлашишини, таркибини ва улардан фойдаланишнинг таҳлили;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлили.

Баланснинг айrim моддаларини деталлаштирилган таҳлилида жорий бухгалтерия ҳисоби оператив кўрсаткичлари ўрганилади. Дастурни ахборат базаси бўлиб, йиллик молиявий ҳисобот ҳисобланади.

Хозирда тижорат банкларимизда таҳлил қилишда қарз олувчини кредит олишдан олдинги ҳолати яъни баланс маълумотлари бўйича баҳоланади ва иқтисодий-техник асосланмаган бизнес режалар орқали хулоса қилинади. Шунингдек баҳолаш бир томонлама амалга оширилиши, фаолиятга таъсир этувчи омиллар ҳисобга олинмаслиги мумкин. Шунинг учун таҳлил жараёнида кредит жалб қилинганидан кейинги молиявий ҳолат баҳоланиши керак ва бу улар молиявий ҳолатини тўғри баҳолашда катта ёрдам берди.

Мижознинг кредитга лаёқатлилиги асосида мижознинг фаолиятини характерлайдиган зарур ахборатларни йиғиш ётади. АҚШ ва бошқа ғарб

мамлакатларида мижознинг кредитга лаёқатлиигини таҳлил қилишда банклар учун маҳсус ҳуқуқий норма ва қонунлар мавжуд. Бу эса уларни кредитга лаёқатлиигини тўғри ва самарали баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Англия банкларида эса мижознинг кредитга лаёқатлиигини аниқлашда саволлар вараги мавжуд. Саволларга жавоблар банкка кредит бериш қарорини қабул қилишга имкон беради. Сўровнома қарз оловчи, унга алоқадор шахслар ва кредит билан боғлиқ муносабатларни қамраб олган саволлардан ташкил топади. Халқаро кредитлашнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки мижозни кредитлашнинг муҳим жиҳати кредит бериш жараёнинг (юридик ва жисмоний шахсларга) марказида инсон туради.

Масалан, Германияда қандай кредит олишдан қатъий назар, қарз оловчи ўзининг шахсий фазилатлари ва тўловга лаёқатлииги тўғрисида бир қатор хужжатларни банкка бериши лозим. Ҳозирги вақтда Германиядаги барча тижорат банклари индивидуал шахсларга берилган ссудалар тўғрисида Бундес банкнинг маҳсус департаментига маълумот беришлари шарт. Бу банкнинг шу сферадаги фаолиятини назорат қилишга имконият яратиб беради. Бундан ташқари Франсия ва Белгияда тижорат банклари Марказий банкдан индивидуал ссудаларни тўламайдиганлар ҳақида маълумот олиш ҳуқуқига эга. Бу эса ўз навбатида кредитларни тўғри ажратишда ва уларни ўз вақтида қайтарилишида катта рўл ўйнайди. Юқорида келтирганимиздек халқаро амалиётда кредитлаш жараёнида асосий ўринда шахснинг обрў эътибори ҳисобланади. Буни баҳолашнинг бир йўли кредит скоринг йўлидир. Скорингни (ачко, балл йигиш) ҳар бир банк ҳолати, вазиятига қараб ўзлари ишлаб чиқадилар. Бу эса қарз оловчининг кредитни келажакда қайтариш даражасини белгилашда катта ёрдам беради.

Тижорат банклар томонидан кредитлашнинг халқаро амалиётда қўлланиладиган усулларни Ўзбекисон тижорат банкларида қоллаш кредитлаш муносабатларини янада самарали ташкил этишда, муоммоли кредитларни вужудга келишни олдини олишда ҳамда кредитларни ўз вақтида

қайтишини таъминлашда катта хизмат қилади. Шунинг билан бир қаторда, кредитлар ажратилишида мижозларни кредитини қайтарилиш лаёқатлилигини тўғри баҳолашда ва кредитни ажратиш механизмини янада яхшилашда муҳим рўл ўйнайди.

Тижорат банклари, йил якунлари бўйича барча соликлар ва тўловлар тўланганидан кейин, банк фойдасининг камидаги 30 фоизини банк акционерлик капиталини кўпайтиришга йўналтирилиши банк капиталини ва уни барқарорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидалаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарорига асосан тижорат банкларининг акцияларини фонд биржасида бирламчи очик жойлаштиришни муомалага бўш, янги чиқариллаётган акциялар ҳажмининг 25 фоизиан кам бўлмаган миқдорда амалга ошириш, тижорат банклари акцияларини мажбурий тарзда фонд биржаси листингига киритиш ва биржа котировкаларини мунтазам равища матбуатда эълон қилиш тартиби жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги “Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3831-сонли мармонига мувофиқ, 2007 йил 1 январдан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиден сифатида олинган даромадлари солик солищдан озод қилинди, фойда солиги ва ягона солик тўлови бўйича соликقا тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равища чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтирилган маблағлар сўммасига teng миқдорда камайтирилади. Назарда титилган имтиёзлар тижорат банкларининг 2007 йил 1 январдан бошлаб сотиб олинган акцияларга, шунингдек, 2009 йил 31 декабрига қадар тўланадиган акциялар бўйича дивидентларга нисбатан қўлланилди.

Енди биз мамлакатимизнинг йирик тижорат банкларидан бирининг (банк сирини таъминлаш нуқтаи назаридан у Капиталбанк самарадорлигини

унинг номини шартли равишда “А” банк деб оламиз) капитали таркиби ва динамикасига баҳо берамиз.

## 2.2-Жадвал

### “Капитал банк” схемалари жадвали Банк сирини сақлаш мақсадида (рақамлар сирли деб оламиз), умумий капиталнинг таркиби ва динамикаси %<sup>9</sup>

<b>Умумий капиталнинг таркиби</b>	<b>2013- йил</b>	<b>2014- йил</b>	<b>2015- йил</b>	<b>2016- йил</b>	<b>2017- йил</b>	<b>2017-йилда 2013- йилдагига нисбатан ўзгариши, ф.п</b>
Устав капитали	5,1	5,4	4,8	4,5	4,2	-0,9
Захира капитали	88,5	88,6	89,9	87,4	83,9	-4,6
Жорий йил фойдаси	1,9	3,7	1,8	1,9	3,6	1,7
Тақсимланмаган фойда	4,4	2,3	3,5	1,6	8,3	3,9
Капиталнинг бошқа элементлари	0,1	0,0	0,0	0,1	0,1	-0,1
Умумий капитал-жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	X

2.2-жадвал маълумотларидан кўринадики, “А” банкнинг умумий капитали таркибида 2013-2017 йиллар мобайнида заҳира капиталининг салмоғи юқори даражада сақланиб қолган. Бунинг сабаби шундаки, заҳира капиталининг асосий қисми ушбу банкда девалвация заҳирасининг ҳиссасига тўғри келади. Девалвация заҳираси салмоғи кўрсаткичининг юқорилиги эса, сўмнинг АҚШ долларига нисбатан девалвация даражаси таҳлил қилинган даврда юқори бўлганлиги билан изоҳланади. Хусусан, 2017 йилдагига нисбатан 31,7 фоизни ташкил этади.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан е’лон қилинган сўмнинг 1 АҚШ доллирга нисбатан алмашув курсига оид ма’лумотлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Девалвация заҳирасининг умумий капитал ҳажмидаги салмоғи юқори бўлиши банк капитали таркиби барқарорлиги нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки, девалвация заҳираси беқарор молиялаштириш манбаи саналади. Шу боисдан ҳам Халқаро Базел қўмитаси эксперлари уни тижорат банклари капитали таркибига киритмаган.

2.2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2013-2017 йилларда банкда устав капиталининг умумий капитал ҳажмидаги салмоғи нисбатан паст даражада сақланиб қолган. Бунинг сабаби шундаки, ушбу банк устав капиталининг миқдори ўзгармаганлиги сабабли унинг умумий капитал ҳажмидаги салмоғи пастлигича қолган ва мазкур кўрсаткич 2017 йилда 2013 йилдагига нисбатан 0,9 фоизли пунктга пасайган.

2.2-жадвал маълумотларидан фаолияти таҳлил қилинаётган банкда тақсимланмаган фойданинг умумий капитал ҳажмидаги салмоғи 2015-2017 йилларда сезиларли даражада ўсганлиги кўринади. Бу эса, банк соф фойдаси мазкур давр мобайнида ўсиш тенденсиясига эга бўлганлиги билан изоҳланади.

“А” банкда капитал бошқа элементларининг умумий капитал ҳажмидаги салмоғи ниҳоятда паст даражадалиги ва ҳатто, 2017 йилда нол фоизни ташкил этганлиги кўриниб турибди. Бунинг асосий сабаби, фикримизча, ушбу тижорат банки қўшимча капитал базасининг заифлигига. Ўз навбатида, қўшимча капитал базаси заифлиги банкнинг субординациялашган қарз мажбуриятлари мавжуд эмаслигига, қайта баҳолаш заҳирасининг ўсиш суръатлари паст эканлигига намоён бўлади.

Республикамиз тижорат банклари капиталлашиш даражасини оширишнинг долзарб масалаларидан бири унинг ўсиш суръатини ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатига монандлигини таъминлаш ҳисобланади. Агар ушбу монандлик таъминланмаса ва тижорат банклари умумий капиталининг ўсиш суръати ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатидан паст бўлса, у ҳолда,

мамлакат банк тизимининг тўловга қобиллигини таъминлашда муоммолар юзага келиши мумкин.

Халқаро амалиётда мамлакат банк тизимларининг тўовга қобилиятилигини баҳолашда тижорат банклари капиталларининг ялпи ички маҳсулотга нисбати кўрсаткичдан фойдаланилади. Агар ушбу кўрсаткичнинг амалиётдаги даражаси 6 фоиздан паст бўлмаса, мамлакат банк тизими тўловга қобил ҳисобланади. Таракқий этган мамлакатларда ва кўпчилик ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида мамлакат банк тизимининг тўловга қобилиятини таъминлашга муваффақ бўлинган. Масалан, АҚШ да 2017 йилнинг 1 январ ҳолатига тижорат банклари умумий капиталининг ялпи ички маҳсулотга нисбати 9,6 фоизни ташкил этади<sup>10</sup>. Японияда эса, мазкур кўрсаткич 2017 йилнинг 1 январ ҳолатига 9,0 фоизни ташкил қиласди<sup>11</sup>.

Гарчи, амалиётда тижорат банклари капиталининг етерлилигини баҳолаш бўйича учта методика мавжуд бўлса-да, дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатида (бу Халқаро ҳисоб-китоблар банкнинг 2017 йил якуни бўйича берган расмий маълумоти) Халқаро Базел қўмитаси томонидан ишлаб чиқарилган методикадан фойдаланилмоқда. Бу эса, ушбу методиканинг олдидаги икки методикадан афзал жиҳатлари билан изоҳланади.

### **2.3. Тижорат банклари капиталлашувини ошириш имкониятлари.**

Тижорат банклари капиталини бошқаришда улар капитали таркибининг шакилланиши муҳим ўрин эгаллайди. Республикаизда йирик тижорат банкларидан бўлган Республика ТИФ Миллий банки ва “Асака” банкида акциядор капитал сифатида қўйилган хорижий валюталарга қилинган девалвация заҳираси улуши юқори салмоққа эга. Девалвация заҳирасининг умумий капитал таркибидаги салмоғини юқорилигини миллий валюта-сўмнинг алмашув курсининг ўзгариб туриши билан изоҳлаш мумкин.

<sup>10</sup> <http://www.federalreserve.gov>, sayti ma'lumotlari asosida muallif tomonidan hisoblandi.

<sup>11</sup> <http://www.imf.org>, sayti ma'lumotlari asosida muallif tomonidan hisoblandi.

Халқаро банк амалиётида ушбу кўрсаткич салбий ҳолат сифатида баҳоланади.

Ҳукуматимиз томонидан миллий валютамиз сўмнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувнинг таъминланиши ва 2003 йилнинг 15 октябридан Халқаро валюта жамғармаси Битимининг 8-моддасига қўшилиши тижорат банклари капиталининг чет эл валютасида шакиллантиришга бўлган эҳтиёжининг ўз-ўзидан йўқолишига олиб келиши лозим.

Молиявий барқарорлиги нуқтаи назаридан оқилона банк таркибини шакиллантирилиши унинг етарлилигига ўрнатилган даражани аниқлашда ва уни бошқаришда муҳим аҳамиятга эга.


Сўнги йилларда республика тижорат банклари капитали жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда. Буни қўйидаги диаграммадан кўришимиз мумкин (1-диаграммага қаранг).

Банк капитали 2005-2017 йиллар давомида 5 баробар ўси. Капиталнинг барқарорлигини таъминлашда унинг таркибий қисмининг таҳлили муҳим аҳамият касб этади.

Хозирги даврда дунёning 100 дан ортиқ мамлакатларида тижорат банклари капиталининг таркибини шакиллантиришда ва унинг етарлилик даражасини белгилашда Халқаро Базел қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган стандартлардан асос сифатида фойдаланилмоқда.


## **2.1-диаграмма**

### **Ўзбекистон Республикаси банкларининг ялпи капитали (йил бошига, млрд. сўм)**



**2.2-диаграмма**

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капитал базаси**  
**таркиби ва динамикаси**  
**1-январ ҳолатига, %**



Банк тизими учун ўз капиталига сифат ва миқдор жиҳатдан етарла талабларни ўрнатиш йўли билан мустаҳкам фаолиятни тъминлаш муҳимдир. Бу ўринда асосий ҳужжат 1993 йилда Марказий банк вакиллари

томонидан ишлаб чиқарылган ва 1998 йилда амалиётга жорий қилинган капитал ва риск бўйича Базел-1 келишуви ҳисобланиб, унда капитал етарлилиги меёрини ҳисоблаш услуби келтирилган.

Капитал етарлилиги капитал сўммаси билан банк актив операцияларининг рисклилиги ўртасида ўрнатилган боғлиқликка асосланади. Ушбу боғлиқлик ўз капиталини рискка тортилган активларининг жами миқдорига ёки потенсиал кредитлар, инвестициялар ҳамда бошқа қўйилмалар бўйича йўқотишларнинг жами миқдори нисбати билан аниқланади.

Ушбу стандартда капитал сифат жиҳатдан иккита йирик қисмга ажратилган ва уларнинг ҳар бирига нисбатан етарлилик даражаси аниқланган. Базел стандарти бўйича тижорат банклари капиталининг етарлилиги аниқланаётганда уларнинг активлари риск даражасига кўра ўзаро фарқланади. Шунингдек, ушбу стандарт тижорат банкларининг балансдан ташқари активларининг риск даражасини ҳам ҳисобга олган ҳолда капитал етарлилигини таъминлашни назарда тутади.

Халқаро Базел қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган методикада капиталнинг етарлилигини баҳолашда икки коеффициентдан фойдаланилади:

1. Умумий капиталнинг етарлилик коеффициенти;
2. Асосий капиталнинг етарлилик коеффициенти.

Базел стандарти бўйича умумий капиталнинг етарлилигига нисбатан ўрнатилган минимал талаб 0,08 ёки 8%. Асосий капиталнинг етарлилигига нисбатан ўрнатилган минимал талаб эса, 0,04 ёки 4% ни ташкил қиласиди<sup>12</sup>.

Халқаро Базел қўмитасининг қўшимча капитал таркибини шакиллантириш

тўғрисидаги талабларини республикамиз банк амалиётида қўллаш борасида муоммолар мавжуд эмас. Чунки, Ўзбекистон Республикаси тижорат

---

<sup>12</sup> Базел стандарти бўйича умумий капиталнинг етарлилик коеффициенти умумий капитални рискка тортилган активлар суммаси бўлиши ёли билан аниқланади. Асосий капиталнинг етарлилик аниқлашда асосий капитал суммаси активларнинг рискка тортилган суммасига тақсимланади.

банклари қўшимча капиталининг таркиби Базел стандартида кўзда тутилган қўшимча капитал таркибидан деярли фарқ қилмайди. Фақат республикамиз банкларининг қўшимча капитали таркибида Базел қўмитасининг стандартида кўзда тутилган жорий йил фойдаси мавжуд.

Базел стандарти бўйича икки йилдан ортиқ муддатга чиқарилган субординациялашган қарз мажбуриятлари қўшимча капитал таркибига киритилади.

Республикамизда Базел қўмитасининг ушбу талаби ўзгаришсиз қабул қилинган. Аммо, Базел қўмитасининг қайта баҳолаш заҳирасини қўшимча капитал таркибига киритиш тўғрисидаги талаби республикамиз банк амалиётида тўлиқ қабул қилинмаган. Бунинг сабаби шундаки, мамлакатимизда тижорат банклари жойлашган ер майдонлари банкларнинг хусусий мулки ҳисобланмайди. Шу сабабли, фақатгина банкларнинг асосий воситалари қайта баҳоланади ва уларнинг қайта баҳолашдан кейинг баҳоси билан қайта баҳолашдан олдинги баҳоси ўртасидаги фарқ сўммаси қайта баҳолаш заҳираси сифатида тужорат банкларининг қўшимча капитали таркибига киритилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, республикамиз Марказий банки томонидан Базел қўмитасининг қўшимча капиталнинг чегаравий миқдори бўйича белгиланган талаби ўзгаришсиз қабул қилинган. Ушбу талабга қўра, қўшимча капитал асосий капитал сўммасининг 100 фоиздан ошиб кетмаслиги керак.

Банк назорати органларининг 2006 йил октабр ойида Мексикада бўлиб ўтган Халқаро конференсиясида банк назоратининг минимал стандартлари бўйича самарали банк назорати принспларининг аниқлаштирилган вариант эълон қилинди. Бу эса, Базел-2 стандарти учун асос бўлади.

Маълумки, 2010-йилда республикамизда халқаро Базел стандартининг такомиллашган вариант ҳисобланган Базел-2 принсплари ва талабларини жорий этиш кўзда тутилган. Базел-2 дастлаб Ғарбий Европа

мамлакатларининг банк амалиётига 2007 йил 1 январдан бошлаб жорий этилди. Унинг сўнгги вариант 2006 йил ўрталарида эълон қилинган эди.

Базел-2нинг муҳим талабларидан бири етарли даражада заҳира ажратмалари билан таъминланмаган банк кредитларининг риск даражасини ошириш талабидир. Ушбу талабнинг моҳияти шундаки, кредитнинг қайтариш муддати тугаганига 90 кун ва ундан ортиқ вақт ўтган бўлса, яратилган заҳира ажратмаси микдори кредит бўйича умумий қарздорликнинг 20 фоизидан кам болса, у ҳолда, мазкур кредитларнинг риск даражаси 150 фоизни ташкил қиласи. Бу эса, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғИ нисбаттан юқори бўлган тижорат банкларининг ликвидлилигига ва капитал базаси барқарорлигига салбий тасир кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, республикамиизда кредитлардан кўриладиган заарларни қоплашга мўлжалланган заҳира ажратмалари тўлиқ тижорат банклари ҳаражатида олиб борилади. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг соф фойдасини капиталлаштириш даражаси пасайишига хизмат қиласи. Иккинчидан, муддати ўтган кредитларни 150 фоиз даражасида рискка тортилиши тижорат банкларнинг рискка тортилган активлари сўммаси ошишига олиб келади. Бунинг натижасида тижорат банклари капиталининг етарлилик коеффициенти пасаяди. Учунчидан, кредитларнинг асосий қисми тижорат банкининг “Ностро” вакиллик ҳисобракамларини кредитлаш ўйли билан амалга оширилади. Шу сабабли, кредитларнинг муддатида қайтмаслиги банкнинг ликвидли активлари микдори камайишига ва шу асосида унинг жорий ликвидлилик даражаси пасайишига олиб келади.

Муддати ўтган кредитларнинг риск даражаси ошиши натижасида тижорат банларнинг капитал базаси ва уларнинг ликвидлилигига нисбатан юзага келиши мумкин бўлган салбий тасирга барҳам бериш учун Марказий банк томонидан тижорат банкларининг муддати ўтган кредитларга нисбатан қўйиладиган талаблар аниқлаштирилиши ва кучайтирилиши лозим.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг муддати ўтган кредитларнинг йўл қўйиши мумкин бўлган чегаравий даражасини 5 % даражасида белгилаши ва унга риоя қилиниши устидан назорат ўрнатиши лозим. 5 % дейишимизнинг сабаби шундаки, Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки эксперtlари савсиясига кўра, тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғининг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси 5 фоизни ташкил қилиши лозим. Халқаро банк амалиётида ушбу тавсия меёрий кўрсаткич сифатида қабул қилинган.

### **III БОБ. ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛЛАШИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ ОРҚАЛИ УЛАРНИ ЕТАРЛИЛИГИНИ КЕНГАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

#### **3.1. Тижорат банклари капиталлашув даражасини белгилаш омиллари**

Республикамиз тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишни муҳим меёрий-ҳуқуқий асосларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил июлдаги “Банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашда”ги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-670-сонли қарори ҳисобланади. Мазкур қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг устав капитали миқдорини ошириш, уларнинг капиталига аҳоли, тадбиркорлик субектлари ва эҳтимол тутилган инвесторлар, шу

жумладан, хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорида фаол жойлаштириш ҳисобига банкларнинг капиталлашув даражсини оширишнинг долзарб масала эканлиги эътироф этилда Бундан ташқари, тижорат банкларининг ўз капитали ҳисобидан янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш ҳамда мавжуд корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологиг жиҳатдан қайта жиҳозлашдаги инвестиция жараёнларида кенг иштирок этиши, шу асосда рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли бандлигини оширишни таъминлаш вазифаси қўйилди.

Тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш бўйича Халқаро Базел қўмитаси томонидан ишлаб чиқарилган стандарт ва унинг такомиллаштирилган вариянти бўлган базел-2 келишувида тижорат банклари капитали таркибини шакиллантиришига бевосита таъсир қилувчи талаблар мавжуд. Бу эса мазкур талабларнинг тижорат банклари капитал базасига таъсири масаласини илмий тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Халқаро Базел стандарти бўйича банкларнинг асосий капитали барқарор молиялаштириш манбаларидан ташкил топиши лозим.

Базел-2 талабларини жорий этишда марказий банк асосий ўрин тутади. Янги талаблар Марказий банк томонидан белгиланган меёрий хужжатларда, рис менежмент усусларида ва технологияларида ҳам акс эттирилиши лозим.

2010-йилда банк сектори барқарорлигини янада кучайтириш мақсадидда Базел 3 тавсиялари ишлаб чиқилди.

Базел 3 тавсияларини йўллашдан қўйидаги мақсадлар кўзланади:

- банк секторининг молиявий-иктисодий танглиқдан келиб чиқадиганинқирозларга қаршилик имкониятини ошириш;
  - риск-менежмент ва бошқарув сифатини ошириш;
  - банклар фаолиятини ва капитал базаси шаффофлигини кучайтириш;
- Базел 3 негизидаги асосий янги талаблар қўйидагилардан иборат:

- капитал етарлилигига нисбатан янги талаблар (оддий акциялар ва тақсимланмаган фойдага устуворлик бериш, қўшимча махсус захира капиталини шакиллантириш);
- 2 та ликвидлик коеффициентига (ликуидитй совераге ратио, нет стабле фундинг ратио) нисбатан меёрий талабларни жорий этиш;
- левераж коеффициентини жорий этиш (бунда коеффициентнинг ўртача чораклик даражаси ҳисобланади ва дастлабки босқичда унинг меёрий даражаси 3% этиб белгиланади).

Банк капиталига нисбатан қўйидаги янги талаблар белгиланмоқда:

1. 1-даражали капиталга минимал талаб амалдаги 4 фоиздан 2013-йил 1-январига келиб 4,5 фоизга, 2019 йил 1 январга келиб эса 6 фоизга етади.
2. Базавий 1-даражали капитал (оддий акцияларнинг тақсимланмаган фойда)га нисбатан талаб 2013 йилдан бошлиб 3,5 фоизга, 2015 йилдан эса 4,5 фоиз даражасида белгиланди.
3. Фавқулотда ҳолатлар учун махсус захира капитали (Conservation Capital Buffer) шакллантирилиб, унинг меърий даражаси 2019 йилга келиб 2,5% этиб белгиланади.
4. Барқарорлаштириш жамғармаси (Countersyslical Capital Buffer) миллий шароитдан келиб чиқсан ҳолда босқичма-босқич 2019 йилга келиб базавий 1-даражали капиталнинг 2,5% микдорида белгиланади.

### **3.1-жадвал**

#### **Банк капитали етарлилиги бўйича Базел 3 талабларини жорий этиш муддатлари (Тегишли молиявий йилнинг 1-январ ҳолатига, фоизда)**

	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Базавий 1- даражали капитал (оддий акцияларнинг тақсимланмаган фойда)га минимал талаб (Минимум Соммон эқуитй Капитал Ратио=соре тиер-оне капитал)	3,5	4,0	4,5	4,5	4,5	4,5	4,5

Махсус захира капитали (Капитал Консервацион Буффер)				0,625	1,25	1,875	2,5
Базавий 1-даражали капитал + махсус захира капитали	3,5	4,0	4,5	5,125	5,75	6,375	7,0
1-даражали капиталга минимал талаб (Минимум Тире Капитал )	4,5	5,5	6,0	6,0	6,0	6,0	6,0
Умумий капиталга минимал талаб (Минимум Тире Капитал)	8,0	8,0	8,0	8,0	8,0	8,0	8,0
Умумий капиталга минимал талаб + махсус захира капитали	8,0	8,0	8,0	8,625	9,25	9,875	10,5

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози банк секторининг турли иқтисодий тебранишларига ҳар доим тайёр туриши лозимлигини исботлади. Шунинг учун ҳам Basel 3 талаблари бўйича банк фаолияти назоратида асосий эътибор банк капиталининг барқарорлиги ва у билан боғлиқ рискларни бошқаришга қаратилди. Турли иқтисодий инқироз ҳолатларига бардош бера олиш имкониятларини ошириш учун банк капиталида қўшимча махсус захира фонди шакиллантирилиши кўзда тутилган.

Республикамиз банк тизимининг барқарорлигини ошириш ва банк капиталига қўйиладиган талабларни халқаро стандартларга мослаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли Қарорига мувофиқ тижорат банкларининг капиталлашув даражаси, барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш устивор йўналишлардан бири

сифатида белгиланган. Унда биргина тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш бўйича қўйидаги чоралар мақулланади:

- тижорат банкларининг ялпи капиталини қўшимча акциялар чиқариш ҳисобидан қўпайтириш;
- банк назорати бўйича Базел қўмитасининг капитал етарлилиги ва кўрилиши мумкин бўлган йўқотишлар бўйича заҳираларни шакиллантиришга нисбатан талабларни такомиллаштиришни кўзда тутувчи янги тавсияларни банк назорати ва амалиётига тадбиқ этиш.

Ушбу чоралар юзасидан хозирги кунда қарор ва тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Ушбу қилинган тадбирни амалга оширишда банк капиталини самарадорлигини оширишга алоҳида урғу берилишини талаб этади.

Банк фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг фарқли хусусияти шундаки, у сезиларли даражада янада қаттиқроқ шакилда банк назорати шаклида амалга оширилади, бу эса банклар ўзларига белгиланган доирадан чиқмасликларини узлуксиз кузатиб боришни назарда тутади.

Банк зазоратини амалга оширишнинг бир қатор сабаблари мафаатлар нуқтаи назарида келиб чиқади ва улар қўйидагилардан иборат:

Биринчидан, банклар мамлакат аҳолисининг жамғармасини асосий сақловчиси ҳисобланади. Банклар фаолиятини назорат қилиш мамлакат аҳолисини моддий зарар кўришдан сақлаш учун ташкил этилади;

Иккинчидан, банк кредиторларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банклар фаолиятини назорат қилиш, тартибга солиш амалиётлари қўлланилади;

Учинчидан, хукумат ўз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун самарли банк назоратини ташкил қилишга ҳаракат қиласди. Банклар хукуматнинг фиссал агенти бўлиш билан бирга, уларнинг ўзлари ҳам мамлакат бюджетига солик тўловларини амалга оширишлари билан хукумат томонидан уларнинг юқори даромадлилиги қўллаб-қувватланади, шу билан

бирга юқори даромадлилик паст даражадаги ликвидликни келтириб чиқариб, ўз навбатида юқори риск туфайли мамлакатда тизимли рискин келтириб чиқаради;

Тўртинчидан, банк акциядорлари ва ишчи ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳам банк назорати ташкил этилади.

Республикамида Марказий банк томонидан тижорат банкалари фаолиятини назорат қилишнинг асосий мақсади тижорат банкларига бирон бир иқтисодий чора қўриш эмас, балки банк фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш, банк тизимининг барқарорлигини ошириш натижасида банк омонатчилари ва кредиторларининг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

### **3.2. Замонавий тараққиёт босқисида тижорат банклари даромадларини, банк капиталлашуви даражасини ошишини ва етарлилигини таъминлашдаги аҳамиятини кучайтириш йўллари.**

Тижорат банклари даромаднинг пасайиб бориши тенденциясига эга бўлиши, улар фойдасини вужудга келмаслилигига замин яратади. Бу ўз ўрнида банкларнинг акциядорларга двидентларни етарли даражада тўлай олмаслик ва уларнинг тегишли фонdlарига маълум миқдордаги ажратмаларини амалга оширмаслик ҳолатини келтириб чиқаради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тижорат банклари капиталининг етарлилигини белгилашда уларнинг хатарга тортилган активлари асос сифатида қабул қилинган. Ушбу тартиб халқаро Базел қўмитаси томанидан 1988 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, халқаро банк амалиётида 1993-йилдан жорий этилган. Марказий банк тижорат банклари капиталининг етарлилигини аниқлашда халқаро банк амалиётидан, Базел қўмитасининг андозаларидан кенг кўламда фойдаланган.

Банк тизимининг тегишли амалдаги меъёрий хужжатларида тижорат банкларининг барча активлари тўртта хатар тоифасига ажратилган. Ҳар бир

тоифа бўйича тегишли хатар коефициенти ўрнатилган бўлиб, улар қуидагилардан иборат (%):

- 1- тоифа - хатарда озод бўлган активлар -0;
- 2- тоифа - кичик хатарга эга бўлган активлар -20;
- 3- тоифа - ўртача хатарга эга бўлган активлар -50;
- 4- тоифа - юқори хатарга эга бўлган активлар -100.

Халқаро банк экспертлари ва иқтисодчи олимларнинг фикрича, банк капиталини аниқ миқдорда белгилаб қўйишнинг имконияти йўқ. Уларнинг фикрича, тижорат банклари капиталининг етарлилиги улар активларининг хатарга тортилган миқдорига боғлиқ. Шу сабаб, тижорат банкларининг жами активлари таркибида хатарга тортилган активларнинг салмоғини сифатли ва ўз вақтида аниқлашга эришиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Демак, тижорат банкларининг хатарга тортилган активлари салмоғининг юқорилиги уларнинг фойдасини ошириш имконини бериш билан бирга, банк капитали миқдорини кўпайтириш зарурлигини келтириб чиқаради.

Фикримизча, Ўзбекистон Республиksi тижорат банклари капитали миқдорини кўпайтиришнинг бир қатор имкониятлари мавжуд бўлиб, уларнинг асослари қуидагилардир.

1. Тижорат банклари оддий акцияларни иккиласмчи қимматли қофозлар бозорида кенг кўламда олди-сотди қилинишига эришиш лозим.

Бунинг учун акцияларга тўланаётган дивидентлар миқдорнинг барқарорлигига эришиш ва улар ҳақидаги асосий кўрсаткичларни оммавий ахборот воситалари орқали доимо ёритиб боориш зарур. Бунинг натижасида, тижорат банклари капитали таркибида, молиявий жиҳаттан нисбатан барқарор ҳисобланган эмиссион даромадлар манбаси вужудга келишига эришилади ва банк акцияларининг ички молия бозоридаги жозибадорлиги янада ошади.

2. Миллий иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги босқичида тижорат банкларининг лизинг ва фасторинг хизматларига хўжалик субектлари томонидан эҳтиёж юқорилигини инобатга олиб, йирик тижорат банклари қошида лизинг ва фасторинг компанияларини ташкил этиш мақсадига мувофиқдир.

Бунда асосий эътибор, биринчи даражали истеъмол моллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий ва сифатли технологияларни тез самара берадиган тармоқларга қаратилиши керак. Тижорат банларида мазкур масаланинг самарали йўлга қўйилиши, уларнинг молиявий ресурсларидан унумли фойдаланиш, кичик ва ўрта бизнес субектларининг фаолиятини ривожлантириш ҳамда мамлакат ялпи ички маҳсулотини оширишга хизмат қиласди. Ўз ўрнида, тижорат банклари ушбу компаниялар фаолиятидан келаётган фойдани бевосита банк капиталини кўпайтиришга йўналтириш мумкин бўлади.

3. Тижорат банклари капитали таркибида девалвация захирасининг юқорилигини ва қўшимча капиталнинг нисбатан заифлигини инобатга олиб, ушбу манбани маълум меъёрлар асосида босқичма-босқич қўшимча капитал таркибиага ўтказишига эришиш лозим. Бунинг натижасида, тижорат банкларининг асосий капиталини реал ва барқарор манбалар ҳисобидан шакиллантиришга ҳамда қўшимча капиталнинг таркибини мустаҳкамлашга эришилади.

Замонавий босқичда тижорат банкларини капиталлаштириш билан боғлиқ муоммolarнинг ечимини топишда мавжуд имкониятлардан кенгироқ фойдаланиш банк тизимининг янада барқарорлигини таъминлашга ва аҳолини банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Базел-2 стандартида операцион риск бўйича капиталнинг етарлилигини ҳисоблаш учун уч усулдан фойдаланиш тавсия этилган. Биринчи усул, базавий индикатор усули, иккинчи усул, стандарт усул, учунчи усул эса, кенгайтирилган усул ҳисобланади. Мазкур усувлар бўйича ҳисобланган

капиталнинг етарлилик коефициенлари бир-биридан сезиларли даражада фарқланади. Шу сабабли, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мавжуд уч усулдан бирини танлаб олиши ва республикамиз тижорат банкларининг барчасида операцион риск бўйича капиталнинг етарлилиги анашу усулда хисобланиши лозим. Назаримизда, капитал етарлилигини хисоблашнинг кенгайтирилган усулини республикамиз банк амалиётида қўллаш учун шароит йўқ. Чунки, ушбу усул банкларнинг ўзлари ишлаб чиқсан рейтинг баҳолаш натижаларига асосланади. Республикамиз банкларида эса, операцион рискни баҳолашнинг рейтинг усули мавжуд эмас.

### **3.3 Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини баҳолаш орқали уларнинг етарлилигини таъминлашдаги имкониятлари**

Тижорат банклари капиталлашиш даражасини баҳолашда улубий асос вазифасини асосан Халқаро Базелқўмитаси томонидан 1988-йилда ишлаб чиқарилган тижорат банклари капиталининг етарлилигини баҳолаш методикаси бажаради. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, 150 дан ортиқ мамлакатда тижорат банклари капиталининг етарлилиги мазкур методика асосида баҳоланмоқда; иккинвҳидан, у халқаро банк амалиётида тижорат банклари фаолиятини инспексион назорат қилишнинг кенг тарқалган усули хисобланган САМЕЛ тизимида ҳам тижорат банклари капиталининг етарлилиги Базел қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган методика асосида баҳоланади. Бу эса, ушбу методиканинг тижорат банклари фаолиятини назорат қилишда катта амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ўбекистон Республикасида тижорат банклари капиталининг етарлилигини баҳолашда Халқаро базел қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган икки коефициентдан умумий капиталнинг етарлилик коефициенти ва асосий капиталнинг етарлилик коефициентидан фойдаланилмоқда. Аммо мазкур коефициенларнинг меъёрий даражаси Базел стандарти бўйича белгиланган меъёрий даражадан биринчи

коэффициенти бўйича 2 фоизли пункитга, иккинчи коэффициенти бўйича 1 фоизли пункитга фарқ қиласди. Фикримизча, мазкур фарқланиш республикамиз банклари пассивларининг барқарорлик даражаси ривожланган хорижий мамлакатлар тижорат банклари пассивларининг барқарорлик даражасига нисбатан сезиларли даражадапаст эканлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитларнинг умумий ҳажмида талаб қилиб олинган депозитлар салмоғи 2008 йилнинг 1-январ ҳолатига 55 фоиздан юқори бўлди<sup>13</sup>. Халқаро банк амалиётида эса, ушбу кўрсаткичнинг йўл қўйиш мумкин бўлган юқори чегараси 30 фоизни ташкил этади.

Базел-2 стандартида тижорат банклари капитали етарлилигини баҳолашга нисбатан белгиланган талаблар янада кучайтирилди. Жумладан, муддати ўтган кредитларга нисбатан 150% даражасида рискка тортиш жорий этилди. Бунинг натижасида регулятив капиталнинг кредит рискига таъсиранлик даражаси сезиларли даражада ошди.

Шуниси характерлики, КАМЕЛ рейтинг тизимида тижорат банклари капиталининг етарлилигини баҳолашда қўшимча кўрсаткич сифатидан молиявий левераж кўрсаткичидан фойдаланилади ва ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражаси барча тижорат банклари учун 3%, республикамизда эса, 6% қилиб белгиланган. Бунинг устига, молиявий коэффициентнинг меъёрий даражасига амал қилиш тижорат банкалри учун мажбурий характерга эга эмас.

Бизнингча, Узбекистон Республикаси тижорат банклари капиталлашиш даражасини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш мақсадида, биринчидан, молиявий левераж коэффициентининг меъёрий даражаси халқаро банк амалиётидаги меъёрий даражага (3%) туширилиши; иккинчидан, молиявий левераж коэффициенти капиталнинг етарлилик

---

<sup>13</sup> O’zbekiston Respublikasi Markaziy bankining statistik ma’lumotlari asosida muallif tomonidan hisoblandi.

даражасини тавсифловчи коефициентлар сингари доимий равища да ўлланилиши мумкин.

Тижорат банкалари капиталлашиш даражасини баҳолашнинг яна бир услугбий асоси Халқаро ҳисоб-китоблар банки томонидан яратилган бўлиб, ушбу методикага кўра, капиталнинг етарлилиги умумий капитални брутто активлар сўммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Фикримизча, мазкур методика қуидаги камчиликларга эга:

- банк активлари риск даражасига кўра ўзаро фарқланмаган;
- капиталнинг рискли активларни қоплай олиш даражасини аниқлаб бўлмайди;
- тижорат банкларининг балансдан ташқари активлари ҳисобга олинмаган.

Қуидаги (3.2-жадвал) маълумотлари орқали республикамиз тижорат банклари капиталининг етарлилик даражасига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қиласиз:

### 3.2-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг умумий капитали ва унинг етарлилигига таъсир қилувчи омиллар<sup>14</sup>

Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Тижорат банклари капитали, млрд. сўм	791,0	823,8	931,1	1070,0	1500,0
Тижорат банклари активлари, млрд. сўм	4416,2	5004,2	5630,6	7207,0	9270,0
Тижорат банклари кредитлари, млрд. сўм	2781,4	3197,4	3655,1	4104,0	4750,0
Тижорат банкларининг корпаратив қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари, млрд. сўм	10,9	21,3	24,4	127,7	136,0

**Изоҳ:** қимматли қоғозларга киритилган инвестициялар бўйича 2007 йилги маълумотларга кўра прогноз кўрсаткичи олинган.

3.2-жадвал маълумотлари кўрсатишича, 2013-2017 йиллар мобайнида тижорат банклари активлари, кредитлари ва қимматли қоғозларга киритилган инвестициялари юқори суръатига эга бўлган. Бу эса, тижорат банклари

<sup>14</sup> Узбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланди.

капиталининг етарлилигига нисбатан хавфни юзага келтиради. Ушбу хавфга барҳам бериш учун тижорат банклари капиталининг ўсиш суръати билан активлар ўсиш суръати ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш лозим. Бунинг учун тижорат банклари капиталининг ўсиш суръати активлар ўсиш суръатига teng ёки ундан юқори бўлиши лозим. 3.2-жадвал маълумотларидан көринадики, 2011-2017 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари умумий капиталининг ўсиш суръати эса 2,2 мартаи ташкил этади. Бу эса, капиталнинг етарлилигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланмайди. Бунинг сабаби шундаки, Халқаро ҳисоб-китоблар банки эксперtlари методикаси бўйича тижорат банклари капитали етарли бўиши учун активларнинг камида 11 фоизини ташкил қилиши лозим. Тижорат банклари активлари ҳажмидаги салмоғига кўра, биринчи ўринни кредитлар эгаллаганлиги сабабли, капитал етарлилигини баҳолашда банк томонидан берилган кредитларнинг ўсиш суръатига алоҳида эътибор қаратилади. 2011-2016 йиллар мобайнида республикамиз тижорат банклари брутто кредитларининг ўсиш суръати 1,7 мартаи ташкил этади. Ушбу ўсиш тижорат банклари капиталининг етарлилигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, мазкур давр мобайнида тижорат банклари умумий капиталининг ўсиш суръати 1,9 мартаи ташкил этди, яъни кредитларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлди.

Халқаро Базел стандарти бўйича тижорат банклари томонидан мижозларга берилган кредитларнинг риск даражаси 100 фоизни ташкил этади. Базел-2 бўйича эса, муддати ўтган кредитлар риск даражасининг юқори чегараси 150 фоизни қилиб белгиланган. Шу жихатдан олганда, фикримизча, республикамиз тижорат банклари капиталини етарлилик даражасини баҳолашда асосий эътибор кредитларнинг ўсиш суръати билан капиталнинг ўсиш суръати ўртасидаги нисбатга қаратилиши лозим. Чунки

2010 йилда мамлакатимиз банк амалиётига Базел-2 талабларини жорий этиш кўзда тутилган.

3.2-жадвал маълумотлари кўрсатишичи, 2011-2017 йиллар мобайнида республикамиз тижорат банклари корпоратив қимматли қоғозларга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръати 11,9 фоизни ташкил этди. Бу, юқори ўсиш суръати ҳисоблансада, тижорат банклари капиталининг йртарлилигига нисбатан жиддий салбий таъсирни юзага келтирмайди. Бунинг сабаби шундаки, корпаратив қимматли қоғозларга киритилган инвестицияларнинг тижорат банклари брутто актвлари ҳажмидаги салмоғи жуда кичик бўлиб, 2006 йил атига 1,8 фоизни ташкил этади.

## **IV БОБ. «КАПИТАЛБАНК» САМАРҚАНД ФИЛИАЛИДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ҲОЛАТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти**

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳукуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутади, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А. Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бераб, республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил оғатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин

куроллари ва хужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтиомий-итисодий зарурият асосида шаклланмоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва алокатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшашини мухофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий оғатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва х.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганинидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асрар, заарар кўрган ҳудудларда кутариш тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон миңтақаси учун хос бўлган табиий оғатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга эришиш мумкин.

#### **4.2. «Капиталбанк» Самарқанд филиали ходимлари меҳнат ва ёнгин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари**

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва заҳарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий қўрик ҳамда ишлаб чиқаришда

зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўрикдан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутади.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишида уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ)<sup>15</sup> кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимиизда кузатиладиган табиий оғатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини тъминлаш, қутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий заарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта микдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли хид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимiga сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кураш тадбирлари ва ишларнинг ҳавфсиз бажариш усусларини меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қиласди.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкини кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши

---

<sup>15</sup> Фуқаро муҳофазаси кейингиларда-ФМ

керак. Шунинг учун корхоналарда ёнгиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суюнган ҳолда олиб борилади. Ёнгин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнгин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим обьектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат обьектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнгин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда ёнгин муҳофазаси ва обьектни қўриқлаш хизмати биргалиқда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнгин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнгин чиқишини огоҳлантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнгин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, хал мулкини асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Омборхона, устахоналардаги ёнгин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамида шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги обьектларининг ёнгин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнгинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнгин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнгиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;
- иккинчидан, обьектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнгинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнгинга арши кураш бошқармасининг вазифаси давлат мулкини, фуқаролар шахсий мулкини ёнгиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнгин назорати

ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнгин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;
- саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, куришда ёнгин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;
- Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини қаттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнгин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуидаги ҳукуқлар берилган:

- ёнгин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;
- корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан обьектларнинг ёнгин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда хужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;
- ёнгин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;
- ёнгин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;
- ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигига айбор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги

ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жиҳатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ҳар қандай объектда ёнғинни мұваффакиятли ўчириш учун ёнғинга қарши курашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятта эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез күтарилади ва қуюқ тутун ажралиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги түқимачилик корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момик юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Тажрибаларнинг кўрсатишича корхона сехларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м<sup>2</sup>/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуация қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қиласди. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишидир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш

бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнгин пайтида одамларни эвакуация қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг эркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вакилларини жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнгин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнгин жиҳатидан хавфсизлиги корхона худудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона худуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнгин жиҳатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гурухланишини хисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнгин хавфи белгиларидан келиб чиқсан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

#### **4.3. «Капиталбанк» Самарқанд филиалида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари**

Фавқулотда вазият (ФВ)<sup>16</sup> - маълум худудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги оғатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига,

---

<sup>16</sup> Фавқулотда вазият кейингиларда - ФВ

теварак атрофдаги табиий мухитга сезиларли моддий зарар этказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир. Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, қуидаги гурухларга бўлинади:

- а) тасодифий ФВ - ер силкиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;
- б) шиддатли ФВ - ёнғинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи портлашлар ва бошқалар;
- с) мўтадил (ўртача) ФВ - сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чиқувчи авариялар ва бошқалар;
- д) равон ФВ - секин-аста тарқалувчи хавфлар: қургоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гурухга бўлинади:

- 1 Локал (объект миқёсидаги) ФВ;
- 2 Махаллий ФВ;
- 3 Республика (миллий) ФВ;
- 4 Трансчегаравий (глобал).

Локал Фавқулодда вазият - бирор объектга таалкукли бўлиб, унинг миқёси ўша объект худуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият павдо бўлган кунда энг кам ойлик иш хақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

Махаллий тавсифдаги Фавқулодда вазият - аҳоли яшайдиган худуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт

фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий заар Фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш хақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда - Фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий заар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш хақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортигини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда эса, оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон худудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Епидемия - одамларнинг гурӯҳ бўлиб юқумли касалланиши, уларнинг заҳарланиши (заҳарли модда билан ҳамда озиқ-овқатдан оммавий заҳарланиш); эпизоотия - ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; эпифитотия эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишидир.

Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар киради:

1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалокатлар - экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва аварияқидирув ишларини талаб қиласидиган авиа ҳалокатлар;

Ёнғинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг ҳалокат худудидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларила бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташланган кучли таъсир кўрсатувчи заҳарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ худуднинг заҳарланишига олиб келган темир йўл транспортвдаги ҳалокат ва фалокатлар;

Портлашларга, ёнғинларга, транспорт восигаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, заҳарланиши)га сабаб бўладиган автомобиль транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йўлтранспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва заҳарланишига, метрополитен поездлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен бекатларидаги ва тунелларидағи ҳалокатлар, авариялар, ёнғинлар;

Газ, нефт маҳсулотларининг отилиб чиқишига, очик нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

## 2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Теваракатроф табиий мухитга таъсир қилувчи заҳарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл кўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ микдорда санитария - химоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашлар.

## 3) Ёнғин, портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар:

Технологик жараёнда портрайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги одамларнинг механик ва термик шикастланишларига, заҳарланишларига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнғинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, заҳарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидиув-кутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг маҳсус анжомларини ва воситаларини

қўллашни талаб қилувчи кўмир шахталаридаги ҳамда конруда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинсларнинг қўпорилиши.

4) Енергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар:

Саноат ва қишлоқ-хўжалиги махсулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ГЕС, ГРЕС, ИЕСлардаги, туман иссиқлик марказларидаги электр тармоқлардаги буғқозон қурилмаларидаги, компрессор, газ тақсимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар, ёнғинлар, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектлардаги авариялар;

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги заарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5) Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан аварияқутқарув ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шошибинч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиласидаган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек, уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ходисалар.

6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жихатдан заарли моддалардан фойдаланши ёки уларни саклаш билан боғлиқ авариялар:

Санитария-химоя худуди ташқарига чиқаруб ташланиши натижасида пайдо бўладиган юқори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл

кўйиладиган кўп миқдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган обьектлардаги авариялар; радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-мухитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар: Сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган худудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги обьектлари ишининг, ахоли хаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ва шошилинч кўчириш тадбирларини талаб қиласидан ҳалокатли сув босишлари.

Екологик тусдаги фавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ФВлар асосан 3 хил бўлади:

1. Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар  
ҳалокатли кўчкилар - фойдали қазилмаларни қазиш чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

Тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чиқадиган токсикантлар билан ифлосланиши, оғир металлар, нефт махсулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиги учун хавф соловчи концентрацияларда қўлланиладиган пестициidlар ва бошқа заҳарли химикатлар мавжудлиги.

2. Атмосфера (ҳаво мухити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар;

Ҳаво мухитининг қўйидаги ингридиентлар билан экстремал юқори

ифлосланиши:

- олтингугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, диоксид, курум, чанг ва одамлар соғлигига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа заарли моддалар;
- кенг кўламда кислотали худудлар ҳосил бўлиши ва қўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;
- радиациянинг юқори даражаси.

### 3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар;

Ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ-хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари;

Нефт махсулотлари, одамларнинг заҳарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металлар, ҳар хил заҳарли химикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа заарли моддалар билан экстремал юқори даражада ифлосланиши;

Бинолар, мухандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг эмирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар миқдорининг ортиши;

Сув манбалари ва сув олиш жойларининг заарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин этишмаслиги.

Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти - БМТ бўйича фавқулодда вазиятларнинг тавсифига яна қўшимча қилиб:

- а)ижтимоий-сиёсий тавсифдаги ФВ;
- б)ҳарбий тавсифдаги ФВ ни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада 7 хил ФВ турлари тасдиқланган:

1. Зилзилалар, ер сурилиши;
2. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар;
3. Кимёвий хавфли обьектларда авария ва фалокатлар (ўткир заҳарли моддаларнинг ажралиб чиқиши);

4. Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатлар;
5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар;
6. Хавфли эпидемияларнинг тарқалиши;
7. Радиоактив манбалардаги авариялар.

Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари - ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврида ҳам юзага келадиган хавфлардан ахолини, ҳудудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги қонунида ўз аксини топган.

#### **4.4. «Капиталбанк» Самарқанд филиалида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари**

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-кувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек bemorlarни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришлиш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айrim тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама

буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш хуқуқига эга. Бундай хуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш хуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини энгиллаштиришдан иборатdir.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғриқ қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учирish, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимиirlамайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибинни белгилаб олиш керак. Чунончи, сон суяги очик синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини

тўхтатиш, кейин жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимиrlамайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимиrlамайдиган қилиб қўйиш учун маҳсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

## **Хулоса**

Халқаро Базел стандарти бўйича тижорат банкларининг корпоратив қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари риск даражаси 100 фоизни ташкил этади. Шу сабабли улар ўсиш суръатининг юқори эканлиги тижорат банклари капитал етарлилик даражасини оширишга бўлган талабни кучайтиради.

Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишга қаратилган давлат сиёсати изчил давом эттирилаётган республикамизнинг йирик тижорат банкларида капитал таркибини барқарорлаштириш бўйича ечимини топмаган баъзи масалалар мавжуд, мамлакат банк тизимининг тўловга қобиллигини таъминлаш тижорат банклари умумий капитали ўсиш суръати ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатидан орқада қолмаслигини тақозо этади.

Банк капитали банк фаолиятини ташкил этиш ҳамда кейинчалик унинг фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш учун бирламчи зарурий асос сифатида хизмат қиласи. Шундай экан, тижорат банклари етарли миқдорда банк капиталига эга бўлиши, уларнинг тўловга қобиллиги ва ликвидлигини таъминлаш, шунингдек, фаолияти давомида дуч келадиган рисклардан зарап кўрмай чиқиб кетиш имконнини беради. Айниқса, бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида банк тизимининг барқарорлиги таъминланишида банк капитали ва унинг етарлилик даражаси зарурий омил сифатида намоён бўлмоқда.

Юқоридаги Базел З талабларини ўзвақтида ва тўлиқ бажариш учун, аввало, банкларнинг капитал базасини барқарор ошириб боориш талаб этилади. Ушбу мақсадга эришишда банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, бунинг учун эса банк фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда банк тизимида капитални жадаллашувини, барқарорлигини таъминлаш мақсадида банк назоратини халқаро андозаларга

мувофиқ ҳолда такомиллаштириш ишлари давом эттирилиши мухимдир.

Хусусан, банк капиталига нисбатан янгича талаблар банк капитали таркибини ўзгартириш, капитал етарлилигига нисбатан талабларни ошириш, жумладан капитал етарлилигини янги қўшимча меёrlарни жорий этиш, маҳсус захира капиталини шакиллантириш каби устувор йўналишларни қамраб олади.

Фикримизча, етакчи молиявий воситачилари ҳисобланган тижорат банклари капитал базаси сифатини янада яхшилаш, капиталнинг оқилона таркибини шакиллантириш, ликвид захиралар миқдорини қўпайтириш банк сектори молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга, келгусида банк инқирозлари юзага келишининг олдини олишга хизмат қиласди.

Энг аввало диққатни қўйидагиларга қаратиш лозим:

- халқаро Базел қўмитасининг тижорат банклари капитали етарлилигини тавсифловчи икки коеффициентида ҳамда АҚШ назорат органлари томонидан ишлаб чиқилган САМЕЛ рейтинг тизими талабларига асосланиш мақсадга мувофиқлигини таъминлаш;
- молиявий левраж коеффициентининг амалдаги даражаси халқаро банк амалиётида қабул қилинган З фоизга туширилиши ва унга директив тус бериш зарур;
- тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан базел-2 талаблари республикамиз банклари амалиётига жорий этилиши лозим;
- Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида капиталнинг етарлилик даражаси бўйича Марказий банк томонидан белгиланган ҳар иккала иқтисодий маёр талаблари бажарилишига;
- республикамизда тижорат банклари умумий капитали ўсиш суръатининг кредитлар ўсиш суръатидан орқада қолмаслик чораларини кўриш лозимлиги.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2012 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” Қонуни. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й., 9-сон
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” –Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й., 9-сон
4. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 8 феврал, №28 (6722).
5. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни хисобга олган ҳолда).
6. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2013 йил 26 декабр ЎРҚ-360-сон қарори билан тасдиқланган).
7. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” - Т.: Ўзбекистон, 2017.
8. Таңқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. //Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор

- йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. - Зарафшон газетаси, 2017 йил 17 январ. 1-4 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабр. // www.uzo.uz
10. Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: Ўзбекистон, 2015, 304 б.
11. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 440 б.
13. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: «Маънавият”, 2008. 176 б.
14. Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика қўмитаси маълумотлари. 2010-2017 йй.
15. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари. 2010-2017 йй.
16. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Тошкент, 2002. - 107 б.
17. Абулқосимов Х.Р., Хамраев О.Я. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304-б.
18. Ансоф И. Стратегически менеджмент. – СПб.: Питер, 2011. – 344 с
19. Баканов ., Мелник М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. - М.: Финанс и статистика, 2007. - 536 с.
20. Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС, 2011. – 640 с.
21. Бочаров В.В. Корпоративные финансы. – СПб.: Питер, 2012.
22. Вахабов А., Разикова Г. Модернизация экономики. Учебное пасобие. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 200 с.
23. Вахабов А.В. ва бошқ. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 372 б.

- 24.Вахабов А.В., Санакурова Б.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиқса тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 388-б.
- 25.Деньги, кредит, банки : учебник / коллектив авторов ; под ред. О.И. Лаврушина. – 12-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2014. – 448 С.
- 26.Зайналов Ж и др.. Управления банковскими рисками в условиях модернизация экономики.. - М.: ООО «Пресс-Принт», 2013. – 36 с.
- 27.Иминов О. Кредитный механизм современных условиях. Монография. – Т.: ТГЭУ, 2000.
- 28.Құдратов С. Тијорат банкларида корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Т.: Академнашр, 2016. – 160 б.
- 29.Лапыгин Ю.Н. Инвестиционная политика: Учебное пособие / А.А. Балакиров, Е.В. Бобкова и др.; под ред. Ю.Н. Лапыгина. – М.: КНОРУС, 2011. – 320 С.
- 30.Лукасевич И. Я. Финансовый менеджмент. Учебник. – М.: ЭКСМО, 2010. – 768 с.
- 31.Мирзаев Ф., Давронов Ш. Тијорат банклари фаолияти: инновацияси, инжиниринги ва рискларни бошқариш амалиёти. Монография. – Т.: Молия, 2014. – 160 б.
- 32.Норқобилов С. Банк иши. – Т.: Молия, 2012. – 280 б.
- 33.Нурмухаммедова Б., Кабирова Н. Финансы. Учебное пасобие. – Т.: иқтисод-молия, 2010. – 380 с.
- 34.Организация деятельности центрального банка : учебник/Г.Г. Фетисов, О.И. Лаврушен, И.Д. Мамонова ; под общ. ред. Г. Г. Фетисова. - 3-е изд., стер. - М.: КНОРУС, 2008. – 432 С.
- 35.Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. // Бозор, пул ва кредит, 2017 йил январ 1-сон
- 36.Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392-б.

- 37.Саидов Д., Қуллиев И. Пул мұомаласи ва кредит. Үқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 268 б.
- 38.Симановиски, А. Ю. Банковское регулирование: революция // Денги кредит. – 2014. – № 3. – С. 3-11.
- 39.Соколов А.А. Теория налогов. М.: ЮрИнфоП-Пресс, 2003. -230 с.
- 40.Суетин А.А. Международные валютно-финансовые отношения: учебник / А.А. Суэтин. - 4-е изд., перерап. и доп. – М.: КНОРУС, 2010. – 440 С.
- 41.Тарануха Ю.В., Земляков Д.Н. микроэкономика. –М.: Дело и сервис, 2002, -С.28
- 42.Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиқса тортиш асослари. – Т.: Молия, 2012. – 97 б.
- 43.Тошматов Ш.А., Ражаббаев Ш.Р. ва бошқалар. Молиялаштиришнинг инновацион усуллари. Монография. – Т.: Молия, 2015. – 160 б.
- 44.Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Мехнат, 1995. – 180 б.
- 45.Ходиев Б.Ю., Карлибаева Р.Х., Расулов Н.М. Корпоратив бошқарув: Үқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2011. - 301 б.
- 46.Ҳасанов Р.Р., Ҳайдаров Н.Х., Маликов Т.С. Молиявий бошқарув. – Т.: Фафур Ғулом, 2009. – 840 б.
- 47.Ҳусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т., 2008. – 264 б.
- 48.Шодибекова Д.А. Кичик бизнесни бошқариш. Үқув қўлланма. – Т., 2010. – 280 б.
- 49.Юлдашев С. ва б. Молиявий менежмент. – Т.: Ворис, 2013. – 160 б.
- 50.Журнал ва газеталар:
- Бозор, пул ва кредит 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
  - Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
  - Солиқса тортиш ва бухгалтерия ҳисоби 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;

- Молия 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-2 сонлари;
- Иқтисодиёт ва таълим 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-2 сонлари;
- Солиқ ва божхона хабарлари 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари.

## **Интернет сайтлар**

51. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz) – Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Матбуот маркази сайти
52. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳукумати портали
53. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) – Ахборот таълим портали
54. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари  
миллий базаси